



1889 йилда **Айдахо** штати, **Нампа** шахрида **инсон хайкалчаси шаклида ясалган кичик, юксак махорати билан ишланган гил хайкалча** топилди.

Бу хайкалча 90 метр чуқурликдан
бургу оркали олинган.

1912 йилда Дж. Райт бу ҳақда шундай ёзган:

"Иш жараёни ҳақидаги ҳисоботга кўра, хайкалча топилган катламга етиб боришдан олдин бургу куйидаги катламлардан ўтган:

- 5 метр тупрок катлами,
- 5 метр базальт катлами,
- Шундан сўнг, бир неча катлам гил ва пўстакмавий тупрок катламлари.

Скважина 90 метр чуқурликка етиб борганда, насос темир оксиди билан копланган кўплаб гил шарларини

бошлади. Улардан айримлари

чиқара

5 см

диаметрида эди.

97,5 метр чуқурликда эса хайкалча топилди.

Бу ерда еримости катламлари ва оз микдорда органик моддалар учрай бошлаган эди.

Ундан бир неча метр пастда эса кумли тош катламлари келган."

Райт хайкалчани шундай таърифлайди:

"У худди шу гил шарларидан ясалган бўлиб, баландиги 3,8 см. Инсон хайкалчаси сифатида мукаммал шаклланган. Хайкалча аёлга ўхшаган, шу даражада чиройли ишланганки, уни классик санъат усталарининг юксак махорати билан солиштириш мумкин."

Райт профессор Патнэмга хайкалчани кўрсатганида, у хайкалчанинг юзасидаги темир оксидларига эътибор қаратган:

"Бу қадимийлик белгисидир. Хеч қандай сохталик эҳтимоли йўқ, чунки зангранг оксид доглари хайкалчанинг чуқур жойларига жуда табиий жойлашган."

Райт 1890 йилда Нампага қайта бориб, гил шарларининг темир оксидларини хайкалча юзасидаги темир оксидлари билан такқослаган ва улар бир хил эканини аниқлаган.

Шунингдек,

Бостондан Ж. Камминг ҳам бу

топилмани тасдиқлаган.

Камминг **О**

регон темир йўли қурилиши раҳбари

сифатида барча гувоҳларнинг шахсан таниган ва топилма содир бўлган жойга бир-икки кун ичида борган.

НАМПА ХАЙКАЛЧАСИ – ДУНЁДАГИ ЭНГ КАДИМГИ САНЪАТ АСАРИМИ?

Бу топилма **Тинч океани соҳилида лава катламлари остида топилган бошқа қадимги инсон маданиятига оид далиллар билан мос келади.**

айниқса

Нампа хайкалчаси

Франция,

Бельгия ва Моравиядаги "ориньяк маданияти" даврига мансуб қадимги санъат намуналари билан ўхшашликка эга.

У айнақса

"Ложери-Басс Венераси" ва "Виллендорф Венераси"га жуда ўхшайди.

ТОПИЛМАНИНГ ЁШИ

Райт бургу тешигини текшириб, хайкалча юзадан тушиб кетмаганига ишонч ҳосил қилган:

"Скважина кенглиги 1,8 метр бўлиб, ҳар томондан секцияли чуян қувурлар билан ўраб борилган. Қувурлар бир-бирига болтлар билан маҳкамланган, шу боис юқоридан ҳеч қандай нарса тушиши мумкин эмас. Лава катлами ўтилгандан сўнг, бургу эмас, балки қувурлар жинсга суқилади ва насос орқали кум чиқариб турилади."

АКШ Геология хизмати бу 90 метрдан чукур жойлашган гил катламлари "Гленнз-Ферри" геологик формациясига тегишли эканини тасдиклайди.

Бу формациянинг ёши плио-плейстоцен даврига тегишли (2–4 миллион йил олдин) . Лава катлами эса ўрта плейстоцен даврига (700–800 минг йил олдин) мансуб

.

Шу сабабли, **бошка биронта одамсимон мавжудот бу каби санъат асарларини яратмаганини хисобга олсак, Нампа хайкалчаси – hozирги одамлар (Homo sapiens sapiens) 2 миллион йил олдин Американи босиб ўтганини кўрсатади!**